

Замир Ракиев Қирғизистоннинг Олий муфтийи этиб сайланди



16:50 / 26.06.2021 2334

Жорий йилнинг 25 июнь куни Қирғизистон мусулмонлари қурултойи бўлиб ўтди. Унда Қирғизистоннинг янги Олий муфтийи сайланди. Бу ҳақда ru.sputnik.kg манбасига таяниб, azon.uz сайти хабар берди.

Ушбу лавозимга тўққиз кишининг номзоди қўйилган бўлиб, бу номзодлар ичидан Замир Ракиев мамлакат олий муфтийси этиб сайланган. Бу ҳақда Қирғизистон мусулмонлари диний идораси матбуот хизмати хабар бермоқда. Янги сайланган Замир Ракиев бир неча йил собиқ муфтийнинг ўринбосари бўлиб ишлаган.

Аввалроқ, муфтий лавозимига сайловлар ўтказиладиган кун эпидемиологик вазият сабабли қолдирилган эди.